

ШАРТНОМА № 1

Автотранспорт воситалари (автокран, юк ташувчи шаланда, цемент хамда трансформатор ёғи ташувчи ва экскаватор) механизмларидан ижара асосида фойдаланиш ҳақида

Фаргона ш.

18.03.2022й.

Автотранспорт воситалари, автокран, йўл машиналари ва механизмларини олиб ишлатувчи корхона «**Фаргона ХЭТК**» бундан буён «**Буюртмачи**» деб аталувчи, амалдаги Уставга асосан фаолият юритувчи раҳбар А. Сайдалиев шахсидан бир тарафдан, Автотранспорт воситалари ва машина механизм берувчи корхона «**GOM AVTOBAZASI**» МЧЖ бундан буён «**Бажарувчи**» деб аталувчи номидан раҳбар М. Халилова иккинчи томондан куйидаги қўшимча шартномани тузадилар:

I. Шартнома предмети.

- 1.1 Мазкур шартномага асосан «**Бажарувчи**» хусусий ва жалб қилинган автотранспорт воситалари ёрдамида «**Буюртмачи**» нинг буюртмасига асосан юкларни ташиш ва транспорт-экспедиция хизматларини кўрсатади.
- 1.2 «**Буюртмачи**»нинг талабига асосан, «**Бажарувчи**» юкларни ташиш ва транспорт-экспедиция хизматлари кўрсатишни (Буюртмачининг курсатмаси бўйича) ўз зиммасига олади.

II. Шартнома баҳоси

- 2.1 Шартномани умумий қиймати 980 000 000 (тўққиз юз саксон миллион сўм)ни ташкил этади.
- 2.2 Шартноманинг охири баҳоси «**Бажарувчи**» тақдим қилган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича белгиланади. Шартноманинг баҳоси тарафларнинг ҳар иккаласи томонидан маъқулланиб, тарафларнинг ўзаро келишувига асосан қўшимча киритилиши хамда узгариши мумкин.

III. Шартнома шартлари

- 3.1 «**Бажарувчи**»«**Буюртмачи**»нинг ёзма равишда берган буюртмасига асосан,«**Буюртмачи**»ни автотранспорт воситалари ва машина механизмлари билан таъминлайди.
- 3.2 «**Бажарувчи**» томонидан Автокран – 16-25 тонна юк кўтариш қобилиятига эга транспорт хизмати, Автокран – 25 тонна ва ундан юқори юк кўтариш қобилиятига эга транспорт хизмати, Шаланда -20 тонна ва ундан юқори юк кўтариш қобилиятига эга транспорт хизмати, Цемент ташувчи - 20тонна ва ундан юқори юк кўтариш қобилиятига эга транспорт хизмати, Экскаватор 1.17 м³ ва ундан юқори кувватга эга транспорт хизмати, Трансформатор ёғини ташиш учун транспорт хизматига эга транспорт воситалари ажратиладиган тақдирда ва шу транспорт воситаларининг юк ортिलाдиган жойга юксиз бориши ва юк туширилган жойдан ёқилғи сарфлаб юксиз қайтаётганлигини инобатга олган ҳолда «**Буюртмачи**» томонидан икки ёки уч манзилга олиб бориш учун юкланган юклар бўйича транспорт воситалари охири борган манзилидаги масофаси бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

IV. Тўлов шартлари

- 4.1 Ушбу шартнома бўйича автотранспорт воситалари ва машина механизмларини кўрсатган хизматлари учун тўлов объектнинг мустақил лойиха экспертиз синов корхонаси смета ҳужжатларида кўрсатилган нархлар бўйича амалга оширилади.
- 4.2«**Буюртмачи**» бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб фактурага асосан, бажарган иш учун ҳисоб фактура кўндирилган кундан бошлаб 10 (ўн) кунлик муддат ичида тўлов суммасини «**Бажарувчи**» ҳисоб рақамига тўлиқ ўтказиб берилишини кафолатлайди.
- 4.3 Транспорт хизматини курсатишда «**Буюртмачи**» томонидан ёқилғи мойлаш материаллари ишлатилган тақдирда «**Бажарувчи**» нинг ҳисобидан чегириб қолинади.

V. Мажбуриятларни бажариш муддати

5.1 Шартноманинг амалда бўлиш муддати иккала томоннинг келишувига асосан шартнома имзоланган кундан 1(бир) йилга қадар белгиланди.

VI. Тарафларнинг жавобгарлиги

6.1 Ҳар иккала томон ушбу шартномани юқоридаги банди бажарилиши учун 1998-йил 29 августда чиқарилган «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан масъулдирлар.

6.2 «Бажарувчи» ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддатида бузганлиги учун «Буюртмачи»га ҳар бир кечиктирилган кун ҳисобига шартнома баҳосининг 0.2% миқдориди, аммо шартнома суммасининг 30% миқдоридан ошмаган ҳолда жарима тўлайди.

6.3 Ушбу шартнома бандларида кўрсатилган муддатда ва қийматда «Буюртмачи» тўлов ишларини амалга оширмаса, «Бажарувчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.5% миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50% миқдоридан ошмаган ҳолда жарима тўлайди.

6.4 Транспорт воситасига ортилган юкларнинг ҳажми (габаридли) бўлиб, юкнинг вазни енгил миқдорда бўлса, шаланда транспорт воситасининг ҳақиқий юк кўтариш қобилияти билан юк вазни ўртасидаги ўртача миқдор хизмат қийматини аниқлаш учун асос сифатида қабул қилинади. (Габаридли юклар 1-иловага мувофиқ «Буюртмачи» билан келишилган рўйхат асосида шаклланади).

6.5 Транспорт хизматидан фойдаланилганда иккинчи тарафга бўш (простой) қайтиши эҳтимолини ҳисобга олиниб, асосий юк ортилган қийматининг 50 фоиз миқдориди хизмат учун ҳақ тўланади.

6.6 Ўзбекистон Республикасида ёкилги-мойлаш маҳсулотлари нархини кескин кўтарилиши кузатилганда икки томоннинг келишувига мувофиқ шартнома қайта кўриб чиқилиши мумкин.

VII Низоларни ҳал қилиш тартиби

7.1 Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ пайдо бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара талабнома юбориш йўли билан ҳал қилинади. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал қилиб бўлмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли суд инстанцияларида кўрилиши назарда тутилади.

VIII Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш шарти

8.1 Ушбу шартномага киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб ҳар иккала тараф имзолаган тақдирда ҳақиқий кучга эга.

8.2 Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик Кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича етказилган зарарни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3 Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма равишда хабарнома юборади.

8.4 Ўзбекистон Республикаси товар ҳам ашё биржасида ёкилги мойлаш материаллари нархи кескин ошиб кетганда мустақил экспертиза ҳулосасига асосан нархлар қайта куриб чиқилиши мумкин.

IX Бошқа шартлар

9.1 Ушбу шартнома бир хил кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

9.2 Тарафларнинг хохишлари бўйича бошқа шартлар: «Бажарувчи»да ёкилги мойлаш материаллари бўлмайд қолган холларда, ёкилги «Буюртмачи» томонидан таъминланади ва бажарилган ишлар ҳисобидан ушлаб қолинади.

Х Тарафларнинг юридик манзиллари ва тўлов реквизитлари

Бажарувчи:

“GOM AVTOBAZASI” МЧЖ
Манзил: Фарғона шаҳар
Шодиёна, олтин замин к. 11 уй.
Х/Р: 20208000505498975001
Капитал банк
Фарғона филиали
МФО: 01043
ИНН: 309 332 767



U. N. N. N.

(ИМЗО)

«ФАРҒОНА ХЭТК» АЖ
Манзил: 150100 Фарғона шаҳар
Қувасой кўчаси 74-а уй
Х/р: 20210000200215289001
МФО: 00494
“Саноатқурилиш банк”
Фарғона филиали
ИНН: 200 144 930



U. N. N. N.

(ИМЗО)

HUQUQSHUNOS XULOSASI

Ushbu shartnoma loyihisini O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faolligini shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni, Fuqarolik Kodeksi va boshqa qonun hujjatlari asosida huquqiy ekspertiza qilib, shartnoma qonunchilik hujjallariga mos kelishligini aniqladim.

Shu sababli ushbu shartnomani imzolasa bo'ladi.

"Farg'ona HETK" AJ Huquqshunosi

U. N. N. N.